



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2004 йил 10 декабр, жума № 197 (1830)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Энг улуг, энг азиз байрам - истиқлолнинг 13 йиллиги арафасида Президент Ислам Каримов Фармонлари билан турли соҳаларда фаол меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг катта гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан мукофотланган эдилар.

Конституциямизнинг 12 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотларни топириши маросимлари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда

кўп йиллик самарали фаолияти билан sanoat, қурилиш, транспорт каби соҳаларни ривожлантиришдаги салмоқли хиссаси учун тақдирланган бир гуруҳ ватандошларимизга Ватанимиз юксак мукофотлари топирилди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Раиси Э.Халилов топириди. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар онгига юртга садоқат, фидойилик ғояларини синдиришда оммавий ахборот воситаларининг, маънавият ва маърифат ҳамда санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек Миллий академик драма театрида ана шу соҳа ходимларидан бир гуруҳга Ватанимиз мукофотлари топирилди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти

Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топириди. Республикаимиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг оқибатини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ харбийлар ва медалларга сазовор бўлган эдилар. Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида уларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазيري Қ.Ғулломов топириди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими вазирликлари, «Олимпия шон-шўхрати» музейида ва бошқа вазирликлар, компания, концерн, уюшма ва ташкилотларда ҳам ана шундай тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Юксак мукофот соҳиблари бўлган юртдошларимиз меҳнатлари муносиб тақдирлангани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирилди. (ЎЗА)

РОССИЯ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Сайловларга бир неча кун қолганда юртимизга Россия Федерацияси Давлат думасининг бир гуруҳ қузатувчилари келдилар. Марказий сайлов комиссиясида Давлат думаси делегацияси иштирокида ўтказилган учрашувда шу ҳақда сўз борди. Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаева Россия парламенти вакиллари билан таълим ва маданият бўлими раиси, икки палатали парламентига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказилиши таъкидлашти. (ЎЗА)

Давлат думасининг МДХ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар бўйича кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Аҳмед Биололов - Ўзбекистонда доимий асосда фаолият юритишдаги икки палатали парламенти шаклланиши мамлакатимизда амалга оширилётган демократик ислохотлар йўлидаги муҳим қадамдир. Бундай тузилма қонун ижодкорлиги жараёнида жамият ҳаётига имкон қадар яқинлаштиришга, уни демократлаштиришга ёрдам беради. Шунини таъкидлаш кераки, бу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрнадиган жиҳатлар бор. Ўзбекистон парламенти ва Россия Давлат думаси келгусида ҳамкорликни янада ривожлантиришда, деган умиддан. Мамлакатларимиз президентларининг учрашувлари бу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар яратди. Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди. (ЎЗА)

Учрашувда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилётган демократик ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани қайд этилди. 26 декабр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтаётган сайлов борадаги ислохотларнинг яққол далилидир. Юртимизда МДХ ва ЕХТ қузатувчилари миссияси иш бошлади. Яқин кунларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Европарламент, шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан ҳам қузатувчилар келиши кутилмоқда. Демократиянинг ҳамма учун бир хил, тайёр шакли ва қолипи йўқ. Шу маъно-

да Ўзбекистон ўзининг демократик ривожланиш йўлини танлаган, - деди Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ва турли халқро институтларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга. Улардан миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин. - Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан Россия парламенти аъзоларини сайловда қузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилиниши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка яна бир мисол бўла олади, - деди делегация раҳбари, Россия Федерацияси


Эл соғлиғи-юрт бойлиғи

Инсон борки, орзу-умид, эртанги кунга ишонч, эътиқод билан яшаб меҳнат қилади. Оила қуришдан мақсад эса фарзандли бўлиш, ўғил-қизларни соғ-омон, бардам-бақувват ўстириб камолини кўришдир.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

«Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Давлат дастурида ҳам аввало оилаларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом авлодни вояга етказиш, шу асосда халқ соғлиғини мустаҳкамлаш устивор вазифа қилиб белгиланган. Жамоа шартномалари, тармок келишувларига Давлат дастурининг ижроси - аҳолининг тиббий маданиятини кўтариш, ёлланма ишчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом, хавф-хатарсиз меҳнат ва маиший шароит яратиш, оналар ва болалар саломатлигини ардоқлаш, бу борада давлат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шерикчилик юритиш ҳақида махсус бандлар киритилган. Уларда тармоқда фаолият кўрсатаётган 6069 нафар шифокор, жами 53 мингга яқин тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган. Тармоқда ёлланиб ишлаётган ходимларнинг 83,1 фоизини ёки 40 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Оналар ва болаларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш, соғломлаштириш

тадбирлари доимий эътиборимизда. Тасарруфимиздаги «Семашко», Жалолқудуқ тумани Нефтичилар шаҳарчасидаги физиотерапия, шунингдек, Андижон клиник шифохоналари, Тошкент минерал сувлар сихатгоҳларида жами 1,5 мингдан зиёдроқ оналар довланиб саломатликларини тикладилар. 3 ёшгача бола парваршидаги 718 нафар аёл 35 соатлик қисқартирилган иш кунига ўтказилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлларга бугунгача 2 миллион сўм атрофида касаллик уюшмалари маблағидан моддий ёрдам кўрсатилди. Зарарли шароитда ишлаётган хотин-қизларни парҳез таомлар билан таъминлашга 5 миллион 400 минг харажат қилинди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, онаси ва боласи соғлом юрт қудратли бўлур. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши билан вилоят ҳокимлиги ўртасида тузилган битишувда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга барча масъул эканлиги алоҳида қайд этилган. (Давоми 2-бетда)



Навобий шахрига илк бор келган киши чўл ўртасида қад ростлаган бу мўъжизакор гўшани кўриб хайратга тушибди. Замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги намуналарини ўзида муҳасам этган маъмурий ва турар-жой бинолари шу қадар бири бири билан уйғунлашиб кетганки, қараб кўз тўймайди.

Яқинда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг ишончли ҳимоячиси бўлган энг йирик жамоат ташкилоти - вилоят касаба уюшмалари Кенгаши янги бинога кўчиб ўтди.

И.ХАСАНОВ олган суратлар



УЛАР ИЛК БОР ОВОЗ БЕРИШАДИ

Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси биносида 172-сайлов участкаси жойлашган. Бу ерда қишлоқ билан қўшма гаўжум. Хоналар дид билан жиҳозланган. Телефон, компьютер, нусха кўчириш машинаси, стендлар ва бошқа керакли жиҳозлар мўҳайё этилган. Стендларга кўз ташлаб, 988 нафар сайловчи рўйхатга олинганлигини, сайловдagi тарғиботи ва кенг тушунириш ишларини олиб бораётган кишилар ким эканлигини билиб олди. Сайловчи Мўтабар Ғулмова бу ерга кириб келиши билан уни навбатчи илиқ қарши олди. Аёл бу йилги сайловларнинг ўзига хос томонлари, икки палатали парламент ҳақидаги саволлар билан мурожаат этди. Саволларига лўнда ва тушунарли

жавоб олғач, кўракли адабиётлар билан танишишга тўттинди. 26 декабр куни кимга овоз бермоқчисиз, деган саволимизга, ҳали билмадими, номзодлар, уларнинг дастурали билан яна бир бора пухта танишгач, кейин бир тўхтамага келаман, деди. Умуман, сайловчилардаги синчковлик, қатъиятлик кишини қувонтиради. «Янги Миробод» маҳалла кўмитаси раиси Собир Толибжоннинг таъкидлашича, депутатликка номзодлар билан учрашувлар гўяда жонли, қизикarli ва талабчан руҳда ўтмоқда. Шу жараёнинг ўзи кишилар онгшуррида қанчалар катта ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатмоқда, - дея таъкидлади маҳалла оқсоқоли.

Ш.ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

ЧЎЛҚУВАРЛАР НИЯТИ

Сўнгги йилларда Мирзачўл тумани қиёфаси таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Чўлқуварлар масканда ажойиб бинолар, хиёбонлар, боғ-роғлар барпо этилди. Қўндан-қўп одамлар ҳовли тўйлари ўтказдилар. Хозирги кунда туманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларга хар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Таъкидлашларича, муҳим сиёсий тадбирда 20 минг 571 нафар киши иштирок этади. 1233 нафар ёшлар илк бор овоз бердилар. Аксарият сайлов участкалари кўнгилдагидек жиҳозланган.

Биз Гагарин шаҳридаги «Чўлқувар» маданият саройида жойлашган 265-Мустақиллик участкасида бўлдиқ. Эътиборга молик тадбирлардан бири - бу олимлар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ўтказилганидир. Уларда сўнгги йилларда туманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларга хар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Таъкидлашларича, муҳим сиёсий тадбирда 20 минг 571 нафар киши иштирок этади. 1233 нафар ёшлар илк бор овоз бердилар. Аксарият сайлов участкалари кўнгилдагидек жиҳозланган.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Андижон шаҳар кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма кўмитаси таркибига 380 та бошланғич ташкилот уюшган бўлиб, уларда 4 минг нафарга яқин тадбиркорлар жамланган.

Ёлланма меҳнат кишилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарашли корхоналарда кўпчилигини ташкил қилади. Мазкур қатламнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маърифий савиясини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилишда жамоа шартномаларининг роли катта бўлади.

Тармоқда жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлгача «Хавф-хатарсиз иш жойи учун» широри остида ўтказилган меҳнат хавфсизлиги ойлиги янги самара берди. Тадбирда жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган шартларнинг ижроси кўриқдан ўтказилди. Яъни, хавфсизлик бурчакларининг аҳоли ўрганиб чиқилди. Иш жойларини аттестацияси юзасидан

Ислоҳот инсон учун

лиги эътироф этилиб, спорт-соғломлаштириш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, бу борада иш берувчиларнинг мажбуриятлари кенгроқ қамраб олинди. Утган йили тармок ходимларидан 250 нафарига 1,5 миллион сўм атрофида ёрдам кўрсатишга илҳами юриди тилга олиб ўтилган савий-харакатларнинг самарасидир. Айниқса, «Био-марказ» кичик корхонасида ходимларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш бўйича ибратли тажриба

га иктисослашган жамоалардан биридир. Хозир бу ерда 30 нафар шахарлик ёшлар иш билан таъминланган. Шу каби унлаб кичик корхоналар ҳисобот даври мобайнида иш бошлади. Ёлланма ходимларни соғломлаштириш, меҳнат ва маиший шароитини яхшилашда шаҳар кенгаши иш берувчилар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ана шу мақсадлар учун касаба уюшмаларининг ижтимоий сўгурта маблағларидан 5,5 миллион сўм харажат қилинди. Жумладан, 33 нафар киши пойтахтдаги сихатгоҳларда, 47 нафар фарзандларимиз ёғи оромгоҳларда мароқли хордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлашди. Хотин-қизларнинг оила, жамият ишлаб чиқаришдаги ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, мавқенини мустаҳкамлаш мақсадида жамоа шартномаларига янги бандлар киритилди. Шаҳарда фаолият юритаётган «Кашфиёт» хусусий фирмаси, «Андижон супермаркети», «Ал-Мансур» хусусий дўкони, «Вақт» миллий депозитарий бўлиналарида ёлланиб ишлаётган хотин-қизлар меҳнатини оғиллаштирувчи бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Транспорт ва тушлик оватқул пул тўловлари йўлга қўйилган. 16 ёшгача болали аёллар учун маошсиз қўшимча таътил кунлари, қиш фаслида қисқартирилган иш ҳафтасига ўтказиш, дам олишга чиқаётган ходимларнинг ёрдам пуллари билан рағбатлантириш каби имтиёзлар жорий этилган.

Аълоном АЛИЕВ, Андижон шаҳар кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма кўмитаси раиси

ТАДБИРКОРЛАР МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

Унинг ижросини таъминлашда бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги ва нуфузини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳисобот йилларида жамоа шартномалари ва меҳнат қонунчилиги, ижро интизоми, шартнома бандлари бажарилишида иш берувчининг масъулияти бўйича 2 марта семинар-тренинг ўтказди. Йилларда касаба уюшма кўмиталари раислари шартнома шартлари ижросини назорат қилишда ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Вилоят «Матлуботсавдо», «Андижонсавдо», Шаҳар савдо-саноат палатаси бошланғич касаба уюшма ташкилотларида бўлиб ўтган давра сўхбатлари, савол-жавоб кечаларида таниқли ҳуқуқшунослар, прокуратура ҳамда назорат идораларининг масъул ходимлари маърузалар билан чиқиб, жамоа шартномалари воситасида меҳнат низоларини ҳал этиш, иш ҳақи қарздорлиғига барҳам бериш, тоқон пуллари ундирилиши, меҳнат муносабатларини тақомиллаштириш ҳақида фикрлашдилар.

16 та услубий йўриқнома ишлаб чиқилиб тарқатилди. Меҳр ва муруват йили муносабати билан жамоа шартномалари қайта кўриб чиқилди. Тармок ходимларининг эътиёмжанд қатлами, кўп болали, боқувчисини йўқотган хонадонлар, етчим-есирлар, нуронийлар алоҳида ижтимоий ҳимояга олинди. Биргина 2003 йилнинг ўзида кичик бизнес вақиллари, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ёлланма меҳнат кишиларининг манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга катта уруғ берилиб, шаҳар кенгашининг 3 марта Пленуми, 7 марта раёсат мажлиси ўтказилди. Қабул қилинган қарорларда ёлланма ходимлар бошланғич касаба уюшмаларининг асосий ижтимоий базаси экан-

ТАДБИРКОРЛАР МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

тўланган. Корхонада қарияларни нафақага қузатиш, илгорларни рағбатлантириш, камжарж оилалар ҳолидан хабар олишдек савобли юмушлар янги анибанага айланган. Касб байрамлари арафасида 8 нафар ишчи 240 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатишга илҳами фикрининг исботидир. Шунингдек, «Риёзат» хусусий корхонасида 13 нафар ходим 300 минг сўм, «Андижонсавдо» корхонасида 40 нафар ходим 400 минг сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди. Тармоқда меҳнат қилаётган 57 та оила фарзандларига 429 минг сўмлик бепул ўқув қуроллари ва дарсликлар етказиб берилди. «Голден Чикен» кичик корхонасида хисобот даврида ташкил топган, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Навобий вилояти деҳқонларининг ҳосил байрами Конституциямизнинг 12 йиллик тантаналарига улашиб кетди. Бу йил давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини пешқадимлар сифида бажарган навоийликлар 117 минг тоннадан зиёд қимматбахо ҳолаш таёйёрланди. Фалла ва пилла етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Навобий шаҳридаги «Кимёгарлар» стадионида бўлиб ўтган байрам тантаналарида қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан ютуқларга эришган бир гуруҳ миришкорларга қимматбахо совғалар топширилди. Бадий жамоалар ижросидаги концерт дастурлари, қизқарлик спорт мусобақалари байрамга ўзгача фойза бағишлади.

ТҮРТ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазма залида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Савдо-саноат палатасининг Тошкент бошқармаси соврини учун тадбиркорлар танлови бўлиб ўтди. Танловда пойтахтлик тадбиркорлар «Йилнинг энг ёш ва истиқболли тадбиркори» унвони учун бахш олиб бориб, тест синовини, экспозицияни баҳолаш, фирма тақдироти ва оғзаки тест каби тўртта босқичда ўзаро мусобақалашди. Ҳайъат аъзоларининг баҳосига кўра, биринчи ўринни Музаффар Абдуллажонов («Жазим» МЧЖ), иккинчи ва учинчи ўринларни Ҳасан Мамасидов («Офис принт» хусусий корхонаси) ҳамда хусусий тадбиркор Абдор Икромов эгаллади.

МАҲСУЛОТИМИЗ ХОРИЖГА

Шунингдек, фабрикаимиз базасида биз корхоналарга таклиф қилаётган буюклар ва кимёвий моддаларни техник ва сервис жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лабораториясини иш бошлади, - дейди компаниянинг бош директори Ваҳдат Заим. - Келгусида турли кимёвий моддалар ишлаб чиқариш бўйича завод очилиши режалаштирилмоқда. Бу уларнинг нархини анча арзонлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мурдатини қисқартириш имконини беради. Корхонанинг очилиш маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси Решит Уман иштирок этди.

ТОШКЕНТА «АЛКИМ ТЕКСТИЛ» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИНИНГ (ТУРКИЯ) ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Янги корхона маҳаллий ҳолашдан болалар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Товарларнинг саксон фоизи экспорт қилинади, қолган қисми «Baby Kids» савдо белгиси остида мазкур компаниянинг савдо тармоғи орқали ички бозорда сотилади. Хар йили 5 миллион АҚШ долларлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхонада 350 киши меҳнат қилади.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

(Боши 1-бетда)
Бу соҳада Андижон шаҳар ҳокимлиги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда тармоқ кўмитасининг ижтимоий шерикчилигини эътироф этиш жоиз. Натижада шаҳар марказидаги эски туғруқхона ўрнида ҳолий ташкилотлар кўмағида 1 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши эвазига 300 ўринли янги оналар ва болалар сийхатгоҳи ишлаб турибди.

Шаҳар марказидаги эски «Тез тиббий ёрдам маркази»да республика шошилинч тиббий ёрдам филиали барпо этилди. Бу ерда беморларга шошилинч бепул ёрдам кўрсатилган 20 та бўлим беминнат хизмат кўрсатмоқда. Шифо мақсадидаги даволаш ва профилактика тадбирлари жаҳон соғлиқни сақлаш тизими андозаларига мувофиқлаштирилган. Туман ва қишлоқларда кейинги йилларда замонавий тиббий ёрдам ва техника воситалари билан жиҳозланган ана шундай 20 та «Шошилинч тиббий ёрдам маркази»лари қурилиб фойдаланишга топширилди. Андижон шаҳридаги 3-болалар поликлиника ҳақими Моҳираҳон Мамажонова

вилоят 1-сон шифохонаси болалар бош шифокори, аjoyиб ташкилотчи Искандар Ҳамидов, вилоят ташхис маркази бош шифокори Мавжудохон Ниёзматовларни бутун эл танийди. Инсон жамиятимизнинг энг катта бойлиги. Унинг соғлиғи эса ўз қўлида. Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деб таъкидлашнинг ҳикмати ҳам шунда.

Кимёгон НАИМОВА, Андижон вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси

Республикамизнинг тиббиёт муассасаларида тузилган жамоа шартномаларида ёш болали ҳамда кўп фарзандли оилаларга шарт-шароитлар яратиш, уларга тўланадиган нафақаларни ўз вақтида берилишини таъминлаш, ногирон ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамни амалга оширишни назорат қилиш, ишчи-хизматчилар соғлигини тиклаш, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини битириб ишга қўлган ёш кадрларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

БЕМИННАТ МАДАД

Бухоро вилоятида ҳам кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган 5 нафар талаба қизга вилоят тармоқ касаба уюшмалари кўмитаси ҳисобидан ҳар ойда 3500 сўмдан «Хавас» стипендияси тўланмоқда. Худди шундай ибратли иш Қашқадарё вилоятида ҳам йўлга қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бу каби ибратли ишлар соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат секторидоги муассасаларда ҳам намунали амалга ошириляпти.

Ўз муҳбиримиз

Баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Шунинг учун жисмонан бақувват, руҳан тетик, иймон-эътиқоди мустаҳкам, маънавийати юксак, мард ва жасур ўғил-қизларни камол топтиришда репродуктив саломатлиқнинг аҳамияти катта.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида соғлом авлодни шакллантириш омилларига тўхталиб, буғунги авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топтириш, мамлакат аҳолиси саломатлигини муҳофазалаш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бундан икки йил муқаддам Ҳазорасп туманида репродуктив саломатлик маркази иш бошлаган эди. Марказ раҳбари Мехри-

СОҒЛОМ ОИЛАДА БАРКАМОЛ ФАРЗАНД КАМОЛ ТОПАДИ

мактаблар, касб-хунар коллежлари ўқувчи-талабалари ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, никоҳга тиббий кўриқдан ўттиш, қизларни турмушга тайёрлаш мавзусида суҳбат ва мулоқотлар уюштиришди.

Вилоятда 359347 нафар туғиш ёшидаги аёллар бор. Жорий йилда уларнинг 304348 нафари ёки 84,7 фоизи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган экстрагенетал касалликларни даволаш чоралари кўрилди.

Шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ўсмир қизларнинг 84,7 фоизи тиббий кўриқдан ўтди. Кўчма шифокорлар гуруҳи томонидан Янгиарик туманида ўсмир қизларнинг соғлиғи кўздан кечирилди ва 412 таси стационар, 380 таси амбулатория шароитида даволанди. Урганч шаҳри, Шовот, Кўшкўпир, Хива туманларида 3000 дан ортиқ қизлар врач назоратидан ўтди ва уларга «Ўсмирлик даври ҳақида», «Ўсмир болалар гигиенаси» китобчалари тарқатилди, 150 дан ортиқ суҳбат ва савол-жавоблар уюштирилди. Янги турмуш кураётган йигит-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш одат тусига кирган. Шаҳар ва туманларнинг ФХДБ бўлимлари ҳузурида доимий ҳаракатдаги ўқув курслари ишлаб турибди. Янги оила қурган 6 мингдан зиёд оила тўлиқ тиббий кўриқдан ўтди.

Вилоят туғруқхонаси, «Она ва бола скрининг» маркази қайтадан таъмирланиб, замонавий асбоблар билан жиҳозланди. Аёлларга 18 миллион 60 минг сўмлик дори-дармонлар тарқатилди. Воҳадаги 126 та қишлоқ врачлик пунктлари «Саломатлик» лойиҳаси асосида керакли тиббий асбоблар билан таъминланган. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ҳафтадан ҳар чоршанбаси камқонликка қарши кураш куни, деб эълон қилинган.

Гурландоги «Зарбдор» қишлоқ шифокорлик маскани, «Дехқонобод» ширкат хўжалиғи ва туман марказидаги маҳаллаларда эмизик-

ли болаларни парвариш қилиш бўйича педиаторлар томонидан ўтказилган «Она сутининг аҳамияти», «Бахтиёр болалик», «Хавфсиз оналик» мулоқотла-

ри оналарда катта қизиқчи уйғотди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси орқали хорижий нодавлат ташкилотларидан келтирилган 3 тонна витаминли озиқ-овқат махсулотлари Хива шаҳридаги «Мехрибонлик» ва «Мурувват» уйи яшовчилари, вилоят руҳий касалликлар шифохонасига тарқатилди.

Ҳомийлар томонидан 507 минг сўмлик маблағ ажратилиб, 10 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари даволанди. Умумтаълим мактаблари, академик лицейларнинг юқори синф ўқувчилари ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида малака тиббий ходимлари «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзусида 16 соатлик машғулотлар ўтказилди.

Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти ходимлари репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофазалаш соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганганларида ютуқлар билан жиддий камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Туғруқлар ўртасидаги оралик вилот бўйича 5 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Урганч шаҳри ва Хонқа туманида талаб даражасида эмас. Айрини туманларда туғиш ёшидаги аёллар ўртасида юрак-қон томири, овқат ҳазм қилиш аъзолари, эндокрин, буйрак, камқонлик, темир ва йод моддаси етишмовчилиги касалликлари микдори ортган. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан тиббиёт ходимлари ўртасида алоқа мустаҳкамланиб, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, оила тиббий маданиятини ошириш, баркамол авлодни шакллантиришга эътиборни қулайтирсалар аҳоли сийхат-саломатлиғи янада мустаҳкамланган бўлур эди.


Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Касаба уюшмалари шифо масканларида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги қурортлар бошқармасига қарашли «Қашқадарё соҳили» сийхатгоҳи ўртининг хушманзара масканларидан. У Қашқадарё дарёси соҳилида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган.

КўНГИЛ СОҲИЛИ

Тиббиёт масканимизда асосан юрак-қон томир, асаб, таянч ҳаракат тизими, нафас олиш йўллари, буйрак ҳамда эндокринологик хасталиклар даволанади, дейди сийхатгоҳ бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ақром Ақбаров. — Шу боис мазкур даргоҳимизга мамлакатимизнинг турли бурчларидан одамлар шифо истаб келишапти.



Айни чоғда бу ерга келганларнинг касалликларига аниқ ташхис қўйишда УТТ, компьютер ЭКГ каби сўнгги русумдаги текшириш асбобларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, «Ташхис даволаш маркази» зарур тиббий асбоблар билан жиҳозланган. Изланувчан жамоа беморларнинг тақлиф ва ис-тақларини ҳисобга олиб, спорт зали ва бассейн қурилишини бошлаб юборди. Шунингдек, худудда 1500 метр чуқурликдан шифо-

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

бахш сув чиқариш мақсадида, бургулаш ишлари жадвал суратларда олиб берилмоқда.

— Ўн беш кун дам олиб, даволандим. Овқат ҳазм қилиш аъзоларимдан шикоятим бор эди. Бу ерга келиб бу касалликни кўрма-ндек бўлиб кетдим. — дейди касбилик фахрий Сафар Ғоибов. — Бу ерда жонқуяр ходимлар менга жуда яхши қарашди.

— Асабини анча қийнаб қўйганди, — дея суҳбатни давом эттирди Олот туманидан келган Бўрон Рўзиёв. — Энди эса ҳаммаси яхши. Айниқса, Бегали Номозов деган дўхтирдан миннатдорман. Санаторийда «Маънавият ва маърифат маркази» ташкил этилган бўлиб, ҳаммаша ходимлар ва даволанувчилар билан гавжум. Бу ерда 20 дан ортиқ газета-журналларнинг таҳаммули, китоб жавонларидоги юзлаб бадиий, тарихий, оммавий адабиётлар ҳаммаша мутолаачиларга мунтазир.

Тоштемир худойкулов

Бухоро вилоят ахборот ва маданият ҳамда фото саноатини ривожлантириш ижодий марказлари ҳамкорликда «Улардан меҳрингизни дариг тутманг» деб номланган фотокўргазма ташкил этди.

МУРУВВАТИНГИЗИ ДАРИФ ТУТМАНГ!

Унда Бухоро шаҳридаги меҳрибонлик уйи, болалар саломатлигини тиклаш «Умид» маркази, кўзи оғизлар, қар-соқовлар мактаб-интернати, мурувват уйи ва бошқа муассасалардаги ногиронлар ҳаётини акс эттирувчи суратлар намойиш этилмоқда.

Фотокўргазманинг очилишида сузга чиққанлар ўзгалар кўмағига муҳтож, меҳрга ташна кишиларга ёрдам бериш, уларни ҳар тарафлама ҳимоялаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида вилоятда қўллаб ҳайрилик ишлар амалга оширилгани хусусида тўхталдилар. Кўнгли ўқик юртдошларимиз турмушини яхшилашга кўмаклашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз экани, мазкур фотокўргазма ана шунга даъват этажга таъкидланди.

бон Бобоҷонова «Шихёпий» қишлоқ врачлик пункти мудири Саломат Назарова, туғруқ мажмуаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғарма раиси Болтабика Саидабдуллаевалар билан «Саноат» кўргонидан ўчрашдик.

Ички касалликлар вазири Малика Матёқубова, умумий амалиёт шифокори Мақсуда Юсупова, олий тоифали акушер-гинеколог Хуршида Матнйёзовалар 1300 дан ортиқ туғиш ёшидаги ва 610 нафар ҳомиладор аёлларга тегишли маслаҳатлар бериб, муолажалар ўтказишди. Қариялар ва ногиронлар дори-дармонлар тарқатилди.

— Худудимизда 47 та маҳалла ва қишлоқлар бўлиб, туманининг бир томони Бухоро қўлларига тўташиб кетган, —деди ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнораҳон Қаландарова. — Туғиш ёшидаги аёллар 36 минг, ўсмир қизлар 11 минг нафарни ташкил этади. — Репродуктив саломатлик маркази, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, «Соғлом авлод учун», «Меҳр шафқат ва саломатлик» жамғармалари, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Қизил ярим ой» жамияти вакиллари, малакали шифокорлардан иборат гуруҳлар аҳоли яшаш масканларида тиббий кўриқлар ўтказишди.

Қишлоқ ва маҳаллалар,

Бирламчи тиббий хизмат

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тури ва сифати йил сайин тақомиллашмоқда. Қишлоқларда тиббий хизматни шу кун талаби даражасида ташкил этиш эса давр талаби. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари тиббиётнинг бирламчи бўлини сифатида кенг аҳолига манзур бўляпти.

Зомин туманидаги Қудуқча қишлоқ врачлик пункти мазкур худудда биринчилардан бўлиб фаолият бошлаган тиббиёт шохобчасидир. У айни кунда етти та қишлоқда истиқомат қилаётган 605 та хонадонга хизмат кўрсатапти.

Бугунги кунда ҳар бир шифокор кўп тармоқли му-тахассис малакасига эга бўлиши керак. Чунки улар ҳар қандай шароитда беморга бирламчи тиббий хизмат кўрсатишга тайёр бўлимоғи лозим. Қудуқча ҚВП мудири Жамила Бегимкулова ана шундай малакага эга шифокордир. У тумандаги ўз соҳасига ихтисослашган тажрибали врачлардан бири ҳисобланади.

Умумий амалиёт врачлари сифатида унинг қилаётган ишлари кўп. Шунинг учун ҳам Жамила «Тез ёрдам» машинасида гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда, ёхуд худудда жойлашган 7- ва 45-мактабда учратиш ода-тий ҳол. У биринчи навбатда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ўстиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ишларини жонлан-тирган. Чунки ҳар қан-дай касални даволашдан унинг олдинки олган маълум. Биргина касални даволаш учун давлат хазинасидан

волаш жараёнида бевосита иштирок этиши, аҳолини, ўқувчиларни, ёш болаларни белгиланган вақтда тиббий кўриқдан ўтказиш осон иш эмас. Унинг ҳаммасига

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

каттагина маблағ сарфлан-моқда. Беморнинг ўзи тор-ган азобу интиҳонларини айтмайсизми? Жамила маса-ланинг айнан шу жиҳатлари-ни фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилади. Қундалик тур-мушда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишнинг аҳамиятини содда, тушунар-ли мисоллар билан аҳолига тарғиб қилади.

Маълумки, қишлоқ шароитида аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Айрим ҳоллар-да болалар, баъзан катталар ҳам санитария қонунларига амал қилмайди. Очик ҳав-залардаги сувни қайнатмас-дан ичиш, қўлни яхшилаб юв-маслик турли юқумли ичак касалликларини олиб кели-ши мумкин. Чорва моллари-ни парваришда махсус кийим-бошга эга бўлишни ҳамма ҳам билвермайди. Қишлоқ врачлари саломатлик мавзуларидаги ўрашув ва суҳбатларда эътиборни айнан шу масалаларга қаратади.

Юқорида айтганимиздек, умумий амалиёт врачининг иш қўлами жуда кенг. Дис-пансер назоратида турувчи беморлар билан тез-тез уч-рашиб туриши, врач тавсия-лари асосида беморларни да-

улгуриш керак. Жамила Бегимкулова ана шу ишларни бажаришга, оила ишларига ҳам вақт топади. Айни пайт-да унинг раҳбарлигида ҚВПда даволаниб, саломат-лигини тиклаб олган бемор-лар талайгина. Ана шулар ҳам бири 7-мактаб ўқитув-чиси Сайёра Умаровадир. Унинг айтишича, кам қон-ли, сурункали буйрак ша-моллаши кўп вақтдан бери безовта қилиб келган.

Жамиланинг сайё-ҳара-катлари, маслаҳати билан у саломатлигини анча тиклаб олган. ҚВПда нафақат Зо-мин туман аҳолиси, балки бошқа туманлар, қўшни ви-лоятлардан келган бемор-ларни ҳам кўриш мумкин.

— Аҳолига бирламчи тиб-бий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар етарли, — дейди Жамила Бегимкуло-ва. —ҚВП керакли тиббий жиҳозлар билан таъминлан-ган.

ҚВП фаолиятининг кен-гайиб, аҳоли таъинига са-зовор бўлаётгани тиббиёт соҳасида амалга оширил-ётган ишлотларнинг мевасидир.

Абдусаттор СОДИКОВ, Зомин тумани



Янгиарик туманидаги «Остона» ширкат хўжалиғида жойлашган «Остона» қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ҳозирда бу ерда 4 нафар малакали

шифокор, 9 нафар ҳамшира фаолият кўрсатиб келмоқда. Қундузги стационарда бир йўла 8 нафар беморлар муо-лажа олишлари мумкин.

Суратда: қишлоқ врач-лик пунктнинг олий тои-

фали ҳамшираси Насиба Қурбонова физиотерапия усулида муолажа ўтказ-ётган пайт.

Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат

БОЗОР ШАРОИТИДА

Пойтахтда Тошкент шаҳар кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси анжумани ўтказилди.

— Бозор муносабатлари шароитида касаба уюшмаларининг аҳамияти сезиларли даражада ортди, — деди анжуманда сузлаган уюшма раиси Абдор Эшонхўжаев. — Жорий йил «Меҳр» ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги зимманимизга янада кўпроқ вазифаларни юкляди. Шаҳар касаба уюшма кенгаши ва раёсати фаолияти, асосан, ходимларнинг ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий манфа-лари ҳимоясини амалга оши-ришга, бошланғич касаба уюшма ташкилотларини сақ-лаб қолиш, улар сафини мус-таҳкамлашга йўналтирилди.

Меҳнат ахлини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳат-дан ҳимоялаш масаласида касаба уюшмаларининг асосий вазифаларини ҳал этиш мақ-садида касаба уюшма кенга-ши, Савдо департаменти, то-вар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўрта-сида шартнома тузилган бўлиб, унинг бажарилиши ҳар ярим йилда қўшма комиссия йиғилишида кўриб чиқили-пти. Жамоа шартномаларига кўра, қўпгина корхоналарда ходимларга бепул тиббий хиз-мат кўрсатиш, дори-дармон-ларга пул маблағи ажратиш, хусусий қурилишларга мате-риаллар, болалар боғиғи учун тўловлар амалга ошириш кўзда тутилган. Масалан, «Тошкент Универмаги» супер-маркети хайрия ишларига жо-рий йил бошидан буён етти миллион сўмдан зиёд маблағ ажратди. Сергели туманида-ги «Завно» маъсуляти ҳо-дмига жамият ҳар бир чо-қимига 92,5 минг сўмдан пул ажратди, — деди А.Эшонхўжаев.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ КАФОЛАТЛАНГАН

Оналар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи республика соғлиқни сақлаш, ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг доимий диққат марказида бўлиб кел-моқда. Шу боисдан ҳар йили 6 мингдан зиёд тиб-биёт ходимлари санато-рий ҳамда дам олиш уй-ларида соғломлаштирил-моқда. Уларнинг 10300 нафардан зиёд фарзанд-лари эса болалар ёғи соғломлаштириш ором-гоҳларида ҳордик чиқаришапти. Шунингдек, тармоқ муассасаларида меҳнат қилаётган аёл-ларни тиббий кўриқдан ва тўлиқ диспансериза-циясидан ўтказиш ҳам ташкил этилган.

Шу билан бирга тар-моқда иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилот-лари аёллар учун соғлом, хавфсиз меҳнат шароит-ларини яратишга ҳам алоҳида эътибор бери-ляпти.

БЕПУЛ ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАЛАРИ

«Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан болалар саломатлигини таъминлаш учун ҳам маб-лағлар ажратилмоқда. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтига ҳам бундай ёрдам кўрсати-лди.

Олий ўқув юртининг жарроҳлик ва стоматоло-гия кафедрасига бери-лган бу маблағ эвази-га бир неча бемор бо-лаларга бепул жарроҳ-лик муолажаси кўрсати-лди.

Меҳр ва мурувват йили дастури доираси-да амалга оширилган бундай тиббий тадбир-дан кам таъминланган оилалар фарзандлари баҳраманд бўлиши.

«Соғлом авлод учун» жамғармасига «Смэйл» Трэйн (АҚШ) халқаро ташкилоти томонидан ажратилган грант пули ҳисобидан ана қатор бо-лалар шифобахш мар-казлари янги тиббий ас-боб-ускуналарга ҳам эга бўлдилар.

Кундузги СТАЦИОНАР

соф фойда 35 миллион сўмни ташкил этди. Ҳар бир акцияга тўланган дивидент қарий 1000 сўмданга тўғри келди. Ҳар бир ишчига ойига 8,5 минг, хизматчига эса 6,5 минг сўмдан овқат пули берилади. Мукофотлаш, қўшимча ва уста-ма тўловлар ҳиссасдорлик жа-миятининг амалдаги Низоми асосида амалга оширилади. Бугунги кунга келиб корхона-даги ҳар бир ишловчининг ўртача иш ҳақи 34 минг сўмга етди.

Бу ғамхўрликдан меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар ҳам четда қолмапти. Кам даро-

мадиларга 708 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат фахрийлари ва хотин-қизларга 682 минг сўмлик ма-дад пули берилди. Ишловчи-ларнинг иш жойларини тар-тибга келтириш ва ҳимоялаш-га ҳам катта эътибор қарати-лди. Бунинг учун аввало ҳар бир ишловчига махсус кийим-бошлар олиб берилди. Ишчи-хизматчилар ўз вақтида дав-рий тиббий кўриқдан ўткази-либ келинмоқда. Аниқланган касалликлар ҳақимларнинг тавсияси асосида даволани-шини маъмурият ўз зиммаси-га олган. Зарарли меҳнат ша-

роитида ишловчиларга ойига 8 -10 фоиз микдорида нафақа пули тўланмоқда. Меҳнат таъ-тилига чиқувчиларга жамоа шартномасида кўрсатилган иш кунлари қўшиб берилмоқ-да. Бундан ташқари, нафақа-га кетаётган ҳар бир ходимга 1 ойлик иш ҳақи микдорида қўшимча пул тўланмоқда. Янги йил ва бошқа муҳим саналар-да ишчи-хизматчилар болала-рига совға-саломлар улашиш аёнана тусига кириб қолди.

Корхона касаба уюшмаси ишловчиларнинг меҳнат таъ-тиларини кўнгилли ўтказиш-лари учун барча имкониятлар-

дан фойдаланмоқда. Шу йил давомида 8 кишига санато-рийларга бепул йўланма бери-лди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида ҳомиладор аёллар алоҳида ғамхўрлик қўршовига олинди. 154 нафар бола туғилиши му-носабати билан ижтимоий су-магурта маблағларидан сунончи пуллари тайинланди. Шунинг-дек, 10 нафар ишловчилар фарзандлари Тошкент ва На-мангандаги болалар оромгоҳ-ларида дам олиб қайтдилар. Шунингдек, ишчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида қадимий Хива, Бу-хоро, Самар-қанд шаҳарлари-га туристик саёҳатлар уюшти-рилиб турилибди.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири

TV даражаси 13-17 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Телемошабинлар диктатига! Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телеканалда соат 8.00 дан 15.00 гача курсатувлар намойиш этилмайд...

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Мухаббат можароси».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

СЕШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

ЧОРШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Эхтином улар, аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

ПАЙШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Фарз ва қарз». 14.10 «Қалб гавҳари». 14.50 «Билем».

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 «Эхтином, улар аклдан озшигандир».

МУҲИМИ МЕҲНАТКАШЛАР МЕҲРИ, ИШОНЧИ

Бугунги кунда Тошкент вилояти бўйича мазкур тармоққа қарашли 70 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда иш берувчилар ҳамда касабга уюшма ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар ижтимоий шерикчилик ва тенг манфаатли ҳамкорлик тамойилларига мос ҳолда тузилган жамоа шартномаларига асосан олиб борилмоқда.

Сарҳисоб

Тошкент вилоят ёқили-энергетика, геология ва кимё саноати ҳодимлари касабга уюшма қўмитаси тизимида ҳисобот даврида жамоа шартномаларининг бажарилиши меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, н а ф а қ а л а р и, қўшимча тўловлар бўйича қабул қилинган бандлар 95,2 фоизга, нархларнинг ўзгариши бориши, меърий ҳужжат билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш тадбирлари 98,4 фоизга бажарилди.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Мухаббат можароси».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Кўркмас ва довораклар». 17.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Вниманию акционеров ОАО «ТЗ «Компрессор»

Наблюдательный совет объявляет о созыве и проведении внеочередного общего собрания акционеров которое состоится 24 декабря 2004 г. в 16.00 по адресу г. Ташкент, ул. Уста-Шуриш, 116.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

- 1. Отчет правления по итогам 9 месяцев 2004 г. и прогноз показателей на конец года. 2. О досрочном прекращении полномочий Правления. Выборы нового состава Правления. 3. О внесении изменений и дополнений в Устав предприятия. 4. Перевыборы состава Наблюдательного совета. 5. О размере вознаграждения членов Наблюдательного совета. 6. Утверждение Положений регулирующих деятельность акционерного общества в новой редакции. 7. О привлечении инвестора для покупки акций. 8. О реализации зоны отдыха.

